Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 185 (21. 052) 1991 йил 20 сентябрь, жума ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«Ўзбекистон овози», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА

● Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши, жумҳурият фуқаролари ҳуқуқларининг Қонун билан ҳимоя қилиниши, табиий бойликларимиз, моддий заҳиралар ўз мулкимизга айланиши, улардан эркин ҳолда фойдаланиш, давлатни мустақил бошқарув халқларимизнинг азалий орзуси эди. Бугун орзулари ушалган жумҳуриятнинг фуқароларимиз, лекин зиммамизга юксак масъулиятлар тушажагини унутмаслигимиз керак, оқилона иш тутиб тинчлик ва осойишталик йўлида ҳамжиҳатлик билан иш юритиш бурчимиздир.

Тошкент қурилиш коллежининг кўпмиллатли ўқитувчи ва талабалари сиз ва бутун ўзбек фуқароларини шу улуғ айём билан муборакбод этади.

Ўзбек халқининг тотувлиги, бахт-саодати, тинчлиги йўлидаги меҳнатингиз зое кетмаслигига ишонамиз.

Тошкент қурилиш коллежи жамоаси

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА

● Ўзбекистон жумҳурияти мустақил давлат бўлганлиги билан табриклаб, Ўзбекистон халқига соғлиқ тилайман.

Уш вилояти, Аравон ноҳияси, В. П. Чкалов номли 22-ўрта мактабнинг 11-«А» синф ўқувчиси Дилфуза Абдумўминова

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. ҚАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Биз — бастакорлар, мусиқашунослар, Ўзбекистон мусиқа маданиятининг арбоблари мустақиллик тўғрисидаги Қонунни қабул қилганингиз учун Сиздан ва Республика Олий Кенгашидан миннатдормиз. Ўзбекистонда ана шу ёркин биринчи сентябрь куни ҳаммамиз учун қувончли байрам бўлади. Ўзимизнинг мусиқа асарларимизда озодлик, мустақиллик ғояларини бутун вужудимиз, ҳис-туйғуларимиз, фикр-ўйларимиз билан акс эттирамиз. Биз меҳнаткаш, ажойиб халқимизга ҳамма вақт садоқат билан хизмат қиламиз.

Ўзбекистон халқлари тарихидаги буюк воқеа билан табриклаймиз.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг умумий йиғилиши номидан ва унинг топшириғига мувофиқ:

ЖАББОРОВ, АБДУЛЛАЕВ, МУСАЕВ.



*

СОҲИБКОРЛАР ҲИММАТИ

Ўлкамиз қадим-қадимдан ўзининг сершира мева ва узумлари билан машҳур. Зеро Паркент узуми, Ҳасанбой ҳусайниси, Учқора майизи ҳаммага манзур. Нарпай районидаги Ҳамза номли давлат хўжалиги соҳибкорлари ҳам ўз мақсулотлари билан элимизни қувонтирмоқдалар. Бу йил хўжаликда 360 тонна сифатли майиз тайёрланади. Сиз суратда кўриб турганингиз Ботир Жумаев ҳам миришкор, уста майизчилардан.

Т. НОРҚУЛОВ олган сурат.

*

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АДАБИЁТ ИЛМГОҲИГА АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон адабиётининг асосчиси, буюк олим, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан, республика жамоатчилиги ҳоҳиш-истакларини ноибатга олиб Вазирлар Маҳкамаси

Қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Адабиёт илмгоҳига Алишер Навоий номи берилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

ИҚТИСОДИЁТ ХАБАРЛАРИ

БУ ЙИЛГИ ҲОСИЛ ТОЛАСИ

● ҲАЗОРАСП пахта тозалаш заводида янги хом ашёни қайта ишлашга киришилди. Келтирилган ҳосил бу ерда тойланмайди, балки шу заҳотиёқ уни қайта ишлашга киришилади. Тойлаш ишлари билан шуғулланадиган йигирма нафар ходим энди цехларда меҳнат қилмоқда.

Жамоа янги мавсумга пухта тайёрланди. Унумдор ускуналар ўрнатилди, қуритиш-тозалаш цехининг таъмирланиши натижасида ҳавога чиқаётган чанг тўзонларни жуда камайтириш имконияти туғилди, қабул қилиб олиш, узатиш қурилмалари ишга тушиши натижасида меҳнат шароитлари яхшиланди. Завод миришкорлари ана шу қурилмаларнинг бир қисмини ишдан чиққан техникадан ясадилар.

Барча ишларни назорат қилиш анча кучайтирилди. Буни корхона мутахассислари ҳам таъкидлашди — пахта толасининг сифати давлат андозаси талабларига тўла мос келади. Бир тонна хом ашёдан тармоқда мўлжалланган нормадан кўпроқ, яъни 340 килограммдан тола олишмоқда. Бунда пахтакорларнинг ҳам хизмати бор. Карл Маркс, Фрунзе номли колхозларнинг, Ленин номли совхоз далаларидан юқори навли пахта келтирилмоқда.

АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

● АНДИЖОН вилоятидаги йигирмадан ортиқ корхона, ташкилот ва ишлаб чиқариш кооперативлари акционерлик-тижорат банкини ташкил этдилар. «Андижонбанк», «Агропромбанк», «Промстройбанк», «Сбербанк»нинг вилоятда ишлаб турган бўлимларидан шуниси билан фарқ қиладики, у тармоққа ҳам, марказга ҳам бўйсунмайди, балки мустақил тузилма сифатида иш олиб боради. У универсал банк бўлиб, ҳар қандай тармоқ ва йўналишдаги корхоналар ҳамда ташкилотларга хизмат қилиши мумкин.

(ЎзТАГ мухбирлари).

Эшитмадим, деманглар

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

ҚУРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ!

● Баҳористон районидаги «ВЛКСМ XXVII съезди» давлат хўжалигининг Тандир қишлоғида гилам тўқиш цехи яқинда иш бошлади.

Қишлоқда туркман миллатига мансуб бир неча минг аҳоли яшайди. Улардан бири Араббуви Ражабова туркман гиламлари тўқишнинг моҳир устаси сифатида танилган. Унинг қўлидан чиққан нақшинкор гиламлар хонадонларга ажиб чирой бағишлайди.

Бугунги кунда янги очилган цехга Араббувининг шогирди С. Сувонова бошчилик қилаётир. Давлат хўжалиги устахонасида тайёрланган оддий тўқув дастгоҳларида бир гуруҳ туркман хотин-қизлари кўзни қамаштирадиган сержило гиламлар тўқишмоқда. Хўжалик цехни хом ашё билан таъминлашга катта эътибор бермоқда.

«КЎКСАРОЙ» СИЗГА МУНТАЗИР

● Чотқол тизма тоғлари ён бағрида Пошшаота сойи — Нанай қишлоғида «Кўксарой» туристик базаси санаторийга айлантирилди.

«Кўксарой»нинг иқлими, ажиб табиати, мусаффо ҳавосини ўрганган Н. А. Семашко номидаги илмий-текширишлар олийгоҳи мутахассислари бу гўшада шифохона очишни таклиф этдилар. Натижада санаторий иш бошлади. Денгиз сатҳидан 1500 метр юқорига жойлашган оромгоҳ ҳавоси қислородга жуда бой.

— Ёқимли шабада, қуёш нурининг мўллиги юқори нафас йўллари билан касалланган беморларни самарали даволаш имконини бермоқда, — дейди бош хаким Аҳмаджон Ғаффоров. — Ҳозир 170 нафар бемор даволанмоқда.

Санаторийда асосан турли хил даволаш усуллари қўлланилмоқда. Қимизни эса Қирғизистоннинг Аравон сут комбинати етказиб беряпти.

МАМЛАКАТИМИЗДА

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ФАРМОЙИШИ

● СССР Президенти М. С. Горбачев ўта олис масофага хизмат қилувчи авиакомпания фаолиятини такомиллаштириш ҳақида фармойиш берди.

Бунда авиатранспорт хизматини ташкил этишни яхшилаш, авиацияда юк ва одамларни ташиш соҳасида монополияга қарши чораларни амалга ошириш бош вазифа қилиб, қўйилди. Айни пайтда Иттифоқ ички ва халқаро авиация йўлларидаги эҳтиёж қондирилмаётганлиги ҳисобга олинди.

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК

● Қўшни Тожикистонда республика Президенти лавозимига номзодлар кўрсатила бошланди. 27 октябрь куни Президент сайловини ўтказиш белгиланган.

Бундан олти йил илгари «соғлиғи ёмонлашганлиги туфайли пенсияга чиқиши муносабати билан» Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимидан олиб ташланган ва кейинги йилларда жамоат ташкилотларининг бирида оддийгина раҳбарлик лавозимини эгаллаб келаётган 61 ёшли Рахмон Набиев президентликка биринчи номзод бўлди.

ХОРИЖДА

БМТ ҚАРОРГОҲИДА УЧРАШУВ

● НЬЮ-ЙОРК. Кеча БМТ қароргоҳида журналистлар билан учрашув бўлди. Унда Латвия, Литва ва Эстония раҳбарлари Совет Иттифоқи билан яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилишини ёқлаб гапирдилар. Аввал хабар қилганимиздек, бу уч давлат яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди.

ШВЕЦИЯ ПАРЛАМЕНТИДА МУЗОКАРАЛАР

● СТОКГОЛЬМ. Бу ерда амалий ташриф билан келган СССР ташқи ишлар вазири Б. Д. Панкин Швеция парламенти раиси Таге Петерсон ва Бош вазир Ингвар Карлссон билан учрашди. Сўнгра Швеция ташқи ишлар вазири Стен Андерсон билан музокаралар ўтказди.

РЎЗНОМА СУДГА БЕРИЛДИ

● АНҚАРА. Туркия президенти Тургут Озал судга мурожаат қилиб, маҳаллий «Сабоҳ» рўзномасига қарши иш қўзғатишни талаб этди. Президент рўзномани туҳмат қилганликда айблади. «Сабоҳ» бир хатни босиб чиқарди. Гўё уни Т. Озал 1983 йили ҳокимият тепасига келган, АҚШ элчисига юборган эмиш. Парламент сайловида Ватан партиясига ёрдам берганлик учун АҚШга миннатдорчилик билдирилган бу хатда Т. Озал имзоси қалбакилиги аниқланди.

• *Нуқтаи назар*

ИШЧИЗОДАЛАР

ЕКИ МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИМИЗ АНЪАНАЛАРИНИ РОСТМАНА ТИКЛАШ-У, ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ЗАМОНИ КЕЛГАНИ ХУСУСИДА

БЕПОЁН ўлкамизда мустақиллик — озодлик, ҳурлик эпкини эса бошлади. Ўзбекистон Республикаси — мустақил давлат, деб эълон қилинди. Бу — ўз йўлингни ўзинг танла, тақдирингни ўзинг белгила, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт одимларингни ўз билгингча аниқла, дегани. Шу мартабага етиб келишнинг ўзи бўлгани йўқ. Мустақилликдан иборат истиқбол йўлида етти ўлчаб бир кесиш, пухта иш юритиш, адашмаслик муродга етказади.

Бироқ... калондимоғлик билан айтилган бир таъна суяк-суягимиздан ўтиб кетди. Замонавий саноатни миллий ишчи кадрларимиз ўзича тебратолмасмиш, юритолмасмиш, ўқувсизмиш. Бўлмаган гап! Етук ишчи кадрларимиз бўлган, бор, яна чиниқади. Яқин ўтмишда — 73 йил илгари улар гарчи «ишчилар синфи» деб аталмаган бўлсада, виқор билан усталар дея номланган, шогирдлар тайёрлаш йўли билан етиштирилган. Устоз ишончини оқлаган шогирдлар ўз иш, касбкор йўналишларини белгилаб олишган. Уста истиқболли шогирдларига алоҳида хўжалик — устахона жиҳозлаб тақдим этган. Оқ йўл тилаб, мустақил ишлашга фотиҳа берган.

Анъана шундай бўлганки, ҳар бир устанинг ўзига хос маҳсулот тайёрлаш усул-услиби бўлган. Бу услуб — устанинг маҳорати саналиб, у маҳсулотнинг харидоргирлигига қараб бозор шароитида тан олинган. Маҳсулот қайси устага мансублиги унинг сифати, безагидан маълум бўлиб турган. Бошқача айтганда, ўзига катта йўл очиб олган усталарнинг шахсий тамғаси ҳам бўлган. Лекин билағон харидорлар буюмнинг ясалишига қараб устасини билиб олаверган. Қадимий ҳунармандчилик тарихимиз тажрибаси-ю, бой анъаналари бунга тўла гувоҳлик беради.

Не-не жаҳонгашта мутахассислар ўлкамиз ҳунармандчилиги андозалари олдида лол қолишган. Ишчи қўллар санъатига тасаннолар айтишган. Улуғбек расадхонаси — жаҳон миқёсида етук техник ечим ва ижрочилик тимсоли. Юлдузлар «томир уруши»ни тадқиқ этган нозик ускуналарни ким ясаган? Уларни маҳаллий уста-ишчилар яратганини ким рад эта олади! Самарқанддаги Бибихоним, Шердор мадрасалари қоматию, сиркорлик синоатларини айтмайсизми. Ҳанузгача уларда қўлланилган ранг кимёвий таркиби технологиясини аниқлашга ожизлик қилиняпти.

Ёки бошқа бир мисол. Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида қадим-қадимдан кўплаб ҳунармандчилик устахоналари фаолият кўрсатган. Уларда бешикчилик, мисгарлик, эшик-дераза, сандиқчилик ва бўлак кўпдан-кўп буюмлар ясаш билан шуғулланишган. Алоҳида Дегрезлик даҳаси, яъни темирчилик маҳалласи бўлган. У ердаги устахоналарда кетмон, теша-болта, қозон каби металл буюмлар тайёрланганини ҳозирги кекса авлод кечагидай хотиралайди. Босқонларнинг «нафас олиши»ни эслаб завқланади.

Ҳунармандчилик — бизга ота-бобо касби. Шу ҳақиқатни тасдиқловчи бошқа мисоллар ҳам оз эмас. Фарғона водийси, Зарафшон воҳаси вилоятлари ҳунармандчилиги манзарасига бир нигоҳ ташлайлик. Марғилон атласи довруғи етти иқлимга машҳур. Шаҳрихон ҳозир ҳам совғабоп пичоқлар билан донг таратган. Қўқон аравалар шуҳрати азалдан маълум. Бухоро зардўзлиги, ширинпазлиги — қадимий Шарқда такрорланмас бир мактаб, Косон новвойлари, Чуст дўпписи, Наманган тўни-ю белбоғлари...

Эл ўзгарган кейинги эллик йил мобайнида ҳунармандчилигимизнинг ана шундай етук тажриба даргоҳлари — мактаблари мавжудлигини этак билан ёпиб яшириш урининглар хато қилишди. Эндиликда кўзни очиб, холисона айтганда, ўзига хос шарқона маданиятимизнинг ҳунармандчилик жабҳаси илмий тадқиқ этишга, амалий жиҳатдан кенг қўллашга, тиклашга, такомиллаштиришга арзийди. Ҳатто шунга муҳтож.

Нега? Миллий ҳунармандчилигимиз дурдоналарига жаҳон билимдонлари, ишбилармонлари, мутахассислари юқори баҳо бериб келишган, яъни тан беришган.

Машҳур венгер сайёҳи Герман Вамбери ўз вақтида ўлкамиз ҳудудини пиёда кезиб, икки дарё оралиғида яшовчи фуқаролар маданияти, нозик таъблигидан завқланган. У ўзининг «Бухоро ёхуд Мовороуннахр тарихи» асарида қуйидагиларни таъкидлаган: «Темур саройидан четдаги кўпгина аёллар ҳам Кичик Осиёнинг жуда қимматли жавоҳирлари-ю, Исфахон, Мўлтон, Ганжа, Дамашқ, Бурса, Венеция заргарларининг нафис асарлари билан ўзларига оро берганларидек, эркаклар ҳам ноёб тошлар билан безатилган қуроллар ва камарларини кўрсатиб кўзни қамаштирар эдилар». Шу ўринда «саройдан четдаги кўпгина аёллар», «нафис асарлар» сўзларига диққатингизни тортмоқчимиз. Демак, аксар аёллар, ҳатто эркаклар ҳам безанишга мойил бўлганлар. Бу масканда яратилган буюмлар шунчаки — қўл учида ишлаб чиқарилмаган, балки санъат асари даражасида сифатли тайёрланган.

Лекин асримиз бошига келиб аҳвол ўзгарди. Миллий ўзига хосликка путур етди. Ўзбекистон маҳаллий саноат вазири ўринбосари А. Қозоқхоновнинг далолатича, инқилобдан илгари ҳам Ўзбекистон диёрида ҳунармандчиликнинг тармоқлари кенг ривожланган, у халқнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришда асосий восита бўлган. Бироқ индустрлаш

Фавқулодда XXIII қурултой ҳужжатларини ўқиб

Ўзбекистон Компартияси фавқулодда XXIII қурултойи мамлакатдаги ҳозирги сиёсий вазият ва халқимиз манфаатларидан келиб чиқиб янги Халқ-Демократик партиясини тузишни мақсад қўрди. Партия биринчи котиби И. А. Каримовнинг маърузаси ва сўзга чиққан нотиқларнинг нутқларида ушбу партия Дастури қандай, унинг принципиал мақсадлари нималардан иборат бўлиши ҳақида фикр ва мулоҳазалар айтилди. Муштарийларнинг дастлабки хулосалари, таклиф ва мулоҳазалари рўзномамизга келаётган хатларнинг мазмунида ҳам ўз аксини топмоқда. Мухбиримиз яқинда муштарийлардан бир нечтаси билан суҳбатлашиб, улардан Халқ-Демократик партияси Дастурида нималарга кўпроқ эътибор берилиши лозимлиги ҳақида фикр ва мулоҳазаларини айтишни илтимос қилди.

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИДАН УЛУҒРОҚ МАҚСАД ЙЎҚ

Ўрин ҲАСАНОВ, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия қўмитаси котиби: — Мен бу ўринда бир ўзимнинггина эмас, корхонамиздаги партия аъзоларидан 506 кишининг фикр-мулоҳазасини, таклифини айтмоқчиман. Чунки, мен қурултой ўз ишини тугаллаб, Навоийга қайтиб келганимдан сўнг корхонамизда йиғилиш ўтказдик. Ҳамма унгача қурултойнинг асосий маърузаси билан чуқур танишган, ўз мулоҳазаларига эга эди. Йиғилиш қурултой қарорларини маъқуллади ва янги Халқ-Демократик партиясининг ташкил топиши айни вақтида бўлаётган воқеа деб баҳолади. Халқ-Демократик партияси ўз номи билан халқникидир. Шу сабабли унинг Дастури марказида энг аввало республикамиз аҳолисининг туб манфаатлари ётиши лозим. Халқнинг яшаш ва меҳнат қилиши учун энг зарур шароитлар яратиб бериш, ҳаммага бир хилда фаровонлик вужудга келтириш партия фаолиятининг туб мақсади бўлиб қолиши керак. Биз илгари давлат бой бўлса, халқ бой бўлади, деб айтишга кўникиб кетгандик. Ҳаёт бунинг нотўғрилигини, аслида аксинча бўлишини тасдиқлади. Дарҳақиқат, халқ бой бўлса — давлат бой бўлади. Шу сабабли энг аввало халқимизни бой-бадавлат қилиш, тўқ турмуш кечиришини таъминлашимиз лозим.

Партия йиғилишимизда кишилар шунингдек, Коммунистик партия фаолиятининг энг яхши жиҳатларидан амалий фойдаланиш лозим, деган фикрни ҳам айтдилар. Шу сабабли республика Компартиясининг Ҳаракат Дастурида халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш, унинг урф-одатлари, удумлари ва анъаналарини сақлаб қолиш ҳақидаги фикрлар сингдирилган қоидалардан ҳам нижодий фойдаланиш зарур. Сирасини айтганда ҳаётнинг ўзи шу Дастурнинг кўпгина қисмлари ҳаққонийлиги ва ҳаёт талабларига жавоб берганини исботлади. Шунинг учун ҳам республикамиз аҳолисининг барча табақалари уни тўла-тўкис маъқуллаган эдилар.

Мен шунингдек, янги партиянинг Дастурида одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шани ва қадр-қимматини таъминлаш кафолати аниқ акс этишини истардим. Чунки, демократиянинг асосий хусусияти миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар аҳолининг барча табақаларига хизмат қиладиган ижтимоий адолат, хавфсизлик ва ижтимоий муҳофазанинг амалда рўёбга чиқишидир. Агар дастурда инсон ўзининг иқтисодий ва ижтимоий турмуши шаклларини ўз эрки билан танлаб олишига кафолат берилса айни муддао бўларди. Ана шундай кафолатгина жамиятнинг сиёсий ва давлат тузуми ҳам шунга яраша бўлишини таъминлайди.

Вера ПАК, Хива болалар уйи директори: — Халқимиз мустақил ва бахтиёр бўлишни ва шунга яраша рисоладагидек ҳаёт кечиришни орзу қилиб келган эди. Республикамизнинг мустақилликка эришгани мана шу орзуларнинг рўёбга чиқиши дебочасидир, десам янглишмайман. Мустақил давлатда албатта шу давлат халқи манфаатларига тўла мос тушадиган, халқнинг барча талаб ва истакларини ўзида мужассамлаштирадиган янги партия бўлиши ҳам зарур. Фавқулодда XXIII қурултойда пойдевори қўйилган ана шу партияга Халқ-Демократик партияси деб ном берилгани айни муддао бўлди. Чунки ҳар бир партия ўз фаолияти мазмуни ва моҳиятини ўз номида акс эттириши лозим.

Энди партиянинг Дастури мазмунига келсак, менимча унда мулкнинг барча шакллари тенг бўлган, иқтисодиёти кўп укладли халқнинг турмуши ва анъаналари, ўзига хос хусусиятлари акс этиши лозим. Янги партиямиз энг аввало халқни тўйдиришни, кийинтиришни, доимий иш билан банд этишни, ҳар бир оиланинг бадастир яшашини мақсад қилиб қўймоғи даркор. Айниқса, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф табақалари, яъни қариялар ва болалар, кўп болали оилалар, ўқувчилар ва студентлар, кам таъминланган ёлғиз фуқароларнинг ижтимоий ҳимояниш кафолати партия Дастурида аниқ ўз аксини топиши кўпчиликнинг таклифидир.

Мен бу гапни шунинг учун айтяпманки, ҳозир вилоятимизда ижтимоий заиф кишилар аҳолининг аксарият қисмини ташкил этади. Ўзим ҳам ана шундай табақа тарбияланаётган болалар уйида ишлаяпман. Бизда ота-онасиз қолган 120 бола таълим-тарбия олмоқда. Улар орасида етти миллатга мансуб ўғил-қизлар бор. Болалар уйи таъминотида оталиқ ёрдами асосий ўрин тутмоқда. «Средазспецгазтрансстрой» трести, Хива гиламчилик комбинати ва шу райондаги Фрунзе номли жамоа хўжалиги нимаики зарур бўлса, ҳаммасини болалар уйига етказиб бермоқда. Иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолаётганимиз йўқ. Ўрни келганида бизга оталиқ ёрдами кўрсатаётган ташкилотларга миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Мен юқорида болалар уйимизда турли миллатга мансуб ўғил-қизлар таълим-тарбия олаётганини айтдим. Гарчи улар ҳозир ким, қандай миллатдан эканлиги ҳақида мушоҳада қилмасаларда, йиллар ўтиб, жамиятдаги баъзи қусурлар ва иллатлар сабабли «сен ўзбексан», «сен татарсан» деб миллатни эсга туширишлари мумкин. Шу сабабли янги партия Дастури ва виждон эркинлиги ана шу жамиятнинг моҳиятини кўрсатиб берадиган кўзгу бўлсин. Мен янги партиямиз фаолиятида республика ҳудудида яшаётган барча халқларнинг анъаналари ва урф-одатлари, дини, тили ва маданияти чуқур ҳурмат қилинишини истайман.

Республика ҳукумати қонунларида виждон эркинлиги ўз аксини топди. Аммо бундан сира ҳам дин сиёсий идеология ролини ўтайди, деган мазмун келиб чиқмаслиги лозим. Агар дин инсоннинг маънавий, аҳлоқий камолоти учун хизмат қилса, айни муддао бўларди. Партиямиз Дастурида мана шу фикр албатта акс эттирилиши зарур.

Менинг касбим — деҳқончилик. Суягим пахтачиликда қотган. Туриш-турмушимиз, тирикчилигимиз пахта билан. Аммо шуни ҳам айтишим керакки, мана шу соҳа деҳқонларни не-не оғир синовлардан ўтказмади. Эртадан қоронғи тунгача далада оғир меҳнат қилган заҳматкаш деҳқон шунга яраша роҳат кўраётгани йўқ. Съезддаги асосий маърузада қишлоқ халқининг турмуш тирикчилиги ниҳоятда оғирлашиб кетганлиги, республика аҳолисининг 60 фоиз қисми қишлоқларда ночор турмуш кечираётгани рўй-рост айтилди. Бу ҳам бўлса 74 йил мобайнида қуришга ҳаракат қилиб келинган, аммо қурилмай қолаверган «социализм» ва бошқа «изм»ларнинг халқимиз бошига олиб келган зуғумлари натижаси, ҳамма нарса рўёбга чиқмайдиган орзу-ҳаваслар ва мақсадларга қаратилгани, тирикчилик ташвишлари бошидан ошиб ётган инсон эса беэътибор бир чеккада қолиб кетавергани оқибати бўлди. Мана шулардан келиб чиқиб, мен партия Дастурида мафкуравий ақидалар бўлмасин, иқтисодий ва хўжалик фаолиятига мафкура асло соя ташламасин, дейман. Токи, корхоналар, хўжаликлар тадбиркорлик эркига эга бўлсинлар, уларнинг фаолияти аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилиши зарур. Менимча, мана шу таклифларни ўзида акс эттирган дастур Халқ-Демократик партиясини чинакам халқпарвар партияга айлантиради, халқ ҳам албатта унга эргашади.



Бугунги кунда жаҳон бозорида ўзбек қоракўлига талаб ошиб боряпти. Мазкур хом ашёдан ҳамкорликда маҳсулот тайёрлашни таклиф этаётган хорижий фирмалар сони ҳам кўпаймоқда.

Ўзбек қоракўлининг сифатли, жаҳон бозори стандартларига мос бўлишида Бухоро қоракўл заводи ишчиларининг ҳиссаси катта. Улар замонавий техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришмоқда.

Суратда: завод цехларидан бири.

В. МИРОШНИЧЕНКО олган сурат.

ИНСОФИНГИЗ БОРМИ?

ТАҲРИРСИЗ ХАТЛАР

Бозор иқтисодиёти даврида сенинг ёзганларинг урвоғ ҳам эмас, дейишингиз мумкин. Лекин мен атрофда бўлаётган воқеаларни кўриб туриб, чидай олмаганимдан қўлимга қалам олдим. Ёзмасам ҳам бўларди. Лекин бир воқеа жуда изтиробга солди. Мен ўзбекман. Одатда ўзбеклар эрта саҳарлаб кўча-ҳовлиларни саранжом-саришта қиладилар, сув сепадилар. Бир куни сув сепаётиб эшигимиздан унча олис бўлмаган поезд йўлида 70—75 ёшлардаги аёлнинг ётиб қолганини кўрдим. Аввал у ўзини ташлаган бўлса керак, деган ҳаёлга бордим. Лекин одамгарчилик кучли экан, ўғлимни уйғотиб, югуриб бордик.

— Ичганим йўқ болам, йиқилдим. Оёғим бироз лат еди шекилли. Туролмаяпман, — дейди онаизор илтижо кўзларини тикаркан.

Қарияни юз-кўлларини ювиб, чанг-чунгини қоқиб, ёрдамлашдик. Билсак, момо нон магазинига саҳарлаб йўл олган экан. «Нонсиз қоламанми деб, қўрқувдим», дейди онахон. Ҳа, ажабланманг, ишонинг. Нунки шаҳримиз ўртасида пештоқига йирик ҳарфлар билан «Нон» деб ёзилган алоҳида магазинимиз бор. Эрталаб соат 6—7 гача нонга чиқолмасангиз, қуруқ қолишингиз ҳеч гапмас. Бошқа ерда нон йўқми, деб ўйларсиз. Бор, аммо баҳоси... Нон магазинининг орқасида чаппати нон сотадиган жой бор. Соатлаб нон кутиб ўтирилади. Новвойлар яхшисини стол тагига, қолганини одамларга рўпара қилишади. 16 тийин ўрнига 25 тийиндан пуллашади. Бир нарса деёлмайсиз.

Нима ҳам қилардик. Қўлда ёпилган нон олишга тўғри келади. Бу ерда ҳам ишлар яхшимас. 25 тийинли нонларни 1 сўм 50 тийин, 2 сўмдан пуллашяпти. Тўғри кооператив хўжалик фаолият кўрсатмоқда. Лекин уларни назоратга оладиган жой борми? Нонинг нархи Ўзбекистонда кўтарилгани йўқ-ку. Бир воқеанинг устидан чиқиб қолдик. Яхшигина кийинган бир аёл иккита нонга 1 сўм узатди. Сотувчи яна 2 сўм сўради. Харидор эрининг «Райфинотдел»да ишлашини маълум қилди. Сотувчи жим бўлди. Бирор сир бўлмаса, бундай «қараш-қарашлар» юзага келармиди...

Руқия БОБОҚУЛОВА,
Пастдарғом районидаги Жума шаҳри, тўрт фарзанднинг онаси.

Бетга айтганнинг заҳри йўқ

ЛОҚАЙДЛИК

Тошкент — шарқнинг гўзал ва азим шаҳри. Озода кўчалар, хиёбонлар, уй-жой массивлари кишини лол қолдиради. Аммо яқинда баҳонаи сабаб билан пойтахтга бориб янги Шифокорлар шаҳарчасида ачинарли манзарага дуч келдик.

Шаҳарчанинг ўнинчи ва ўн еттинчи кўп қаватли кооператив уйлари оралиғида ахлат тоғдек уйилиб ётибди. Пашшалар ғужғон. Қизиғи шундаки, мазкур уйларда маданият ходимлари яшашар экан. Яна бир томони 2-Тошкент тиббиёт олийгоҳига қарашли жойлар билан туташиб кетган. Ўша уйлар ёнида билимгоҳнинг санитария ва даволаш факультетлари бинолари бор.

Ҳақли савол туғилади? Маданият ходимларига озодалик керак эмасми? Хўш, бўлғуси шифокорларга-чи? Очиғини айтганда, улар ҳам изтиробда. Бу ҳақда гап очсангиз, ташвишланиб сўзлашади. Айтишларича, аҳоли Тошкент шаҳар ва С. Раҳимов район ижроия қўмиталарига бир неча бор мурожаат қилган. Афсуски, нажот бўлмаган. Шифокорлар шаҳарчасида жойлашган 68-болалар боғчаси ёнидаги . ахлат уйимларини айтмайсизми. Наҳотки, келиб-келиб Шифокорлар шаҳарчасида тозаликка риоя қилиш унутилса?! Болалар орасида ҳам, катта ёшдагилар орасида ҳам беморлар кўпайиб бораётгани сир эмас. Улар ифослик оқибатидан келиб чиқмаяптимикан?!

Гулбаҳор КАРОМОВА,
Дилобар ҲИКМАТОВА,
Илҳом КАРОМОВ,
Ҳамид Олимжон номидаги Қарши давлат педагогика институти талабалари.

ВАЗИЯТНИ ЎНГЛАШ НИЯТИДА

• Касаба уюшмалари ҳаётидан

Куни кеча Тошкентда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон касаба уюшмалари марказлари раҳбарларининг меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган учрашуви бошланди. Бозор иқтисодиётига ўтиш қийинчиликлари, ижтимоий ҳимояланиш механизмлари пишиқтирилмай нарх-навонинг мислсиз ошириб юборилиши Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда яшаётган аҳолининг ярмидан кўпроғини қашшоқлик исканжасига тушиб қолишига сабаб бўлди. Миллионлаб оддий меҳнаткаш, уларнинг оила аъзолари, нафақахўрлар, ногиронлар, ёшлар, талабалар мушкул, оғир аҳволда қолишди. Истеъмол бозорининг буткул издан чиқиши ва бузилиши республикалар аҳолиси кенг оммасининг турмуш даражасига путур етказади. Бу етмагандек, минтақадаги, айниқса Оролбўйидаги экологик аҳволнинг ёмонлашгани, сув ресурслари тақчиллиги ва ифлосланишидан аҳоли азоб чекаётир. Беш республика касаба уюшмаларининг делегациялари минтақада вужудга келган ана шу мушкул вазиятни ўнглаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини яхшилаш масалаларини муҳокама этишади. Орол денгизи районида, Хоразм ва Бухоро вилоятларида бўлишади.

Тошкентдаги ҳозирги учрашув бундан бир йил муқаддам Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарларининг Олмаотада бўлган учрашувида асос солинган алоқалар ва яхши қўшничиликнинг мантиқий давомидир. 1991 йил 14 августда Тошкентда беш республика раҳбарлари учрашуви якунлари юзасидан Ахборотнинг ва «Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон республикаларо маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисидаги битим»нинг имзоланганлиги бутун минтақа учун катта сиёсий воқеа бўлди. Учрашувда СССР касаба уюшмалари конфедерацияси раиси В. П. Шчербаков, беш республика касаба уюшмалари раҳбарлари сўзга чиқдилар.

Беш республика касаба уюшмалари марказлари делегацияларининг раҳбарлари «Меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон касаба уюшмаларининг ҳамкорлиги ва алоқалари тўғрисидаги битим»ни имзоладилар ҳамда «Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон касаба, уюшмалари делегациялари раҳбарларининг баёноти»ни қабул қилдилар.

Битимни имзолаш маросимидан сўнг **«Ўзбекистон овози» махсус мухбири Алишер Рўзиев** делегациялар раҳбарлари билан мусоҳабада бўлди.

Э. М. ЖАҚСЕЛЕКОВ, Қозоғистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси: — Меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш лозим, касаба уюшмалари бу борада бор куч-ғайратларини сарфлашлари керак. Ҳозир бошимиздан кечираётган иқтисодий тангликни эса бир ёқадан бош чиқариб, умумий куч-ғайратлар билан даф этиш мумкин. Ҳозиргина биз имзолаган битим шу йўлдаги дастлабки қадамдир.

Э. А. АБАКИРОВ, Қирғизистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси: — Меҳнаткашлар соғлиғини тиклаш, уларнинг дам олишини таъминлаш касаба уюшмаларининг муҳим вазифаларидандир. Илгари шифо масканларини қаерда қуриш масаласи йўқ эди. Ҳозир республикалар ўз мустақиллигини эълон қилгандан сўнг қатор муаммолар вужудга келмоқда. Бундан ташқари нарх-навонинг ошиши транспорт ва йўлланмалар қиймат лашувига олиб келди. Бу эса меҳнаткашлар зиммасига оғир юк бўлиб тушмоқда. Шу боис ҳозир ўзимиздаги бор имкониятларни ишга солишимиз керак. Жумладан, минтақада, масалан, Қирғизистонда одамлар ҳордиқ чиқариши, дам олиши ва шифо топиши учун ажойиб жойлар кўп.

М. С. СОЛИХОВ, Тожикистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси: — Бугун минтақамиз уюшмалари тарихида унутилмас ва муҳим воқеа рўй берди — ҳамкорлик битимини имзоладик. Эмилбек Абакирович ҳозир айтганидек, ҳамкорлигимиз қирралари кўп. Аҳоли соғлом бўлишида физкультура ва спортнинг аҳамияти катта. Турли спорт байрамлари, мусобақалари ва спартакиадаларни ўтказиб турсак нур устига нур бўлади.

К. А. ОЧИЛОВ, Туркманистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари: — Халқларимиз азалдан бир-бирига дўст, тарихимиз, маданиятимизда эса муштараклик кўп. Тошкент кўпдан-кўп учрашувлар шоҳиди бўлган, бу ерда қатор тарихий ҳужжатлар имзоланган. Ҳозирги биз имзо чеккан битим ҳам шулардан бири бўлади, деб ўйлайман. Учрашув ҳужжатларини тайёрлашда қатнашдим. Битим имзоланди, лекин бу ишнинг бошланишидир.

Б. А. АЛЛАМУРОДОВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси: — Аввало, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон касаба уюшмалари марказлари делегацияларининг учрашуви Халқлар дўстлиги саройида ўтганлиги ва бу ерда битим имзоланганлиги рамзий маънога эга. Зеро, дўстлик ва ҳамкорлик бўлгандагина ҳар қандай масалани ҳал этиш, тангликни бартараф этиш мумкин.

Янгиликдан хабаринг борми?

ҲИНДИСТОН КЎРГАЗМАСИ ЧОРЛАЙДИ

● Тошкентда Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Ҳиндистон савдо конференциясига рўзномалар, ойномалар, радио ва телевидение мухбирлари таклиф қилинган.

Бу ерда Ҳиндистоннинг давлат ва хусусий ишбилармонларига қарашли етакчи компанияларнинг саноат маҳсулотлари ва технология воситалари кенг намойишга қўйилган. Ўн кун мобайнида иш олиб борадиган кўргазмада раҳбарлик бўғинидаги мутахассислар мулоқотлар ўтказадилар, ҳамкорлик ва қўшма корхоналар ташкил этиш ҳақида фикрлашадилар.

Бу кўргазмани ташкил қилишда қатнашаётган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари Шуҳрат ОТАЖОНОВ бундай деди:

— Ўзбекистон мустақиллик йўлида дастлабки одимлар қўяр экан, биринчи навбатда жаҳондаги дўст мамлакатлар билан савдо-сотиқ ва ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишимиз лозим. Ҳиндистон кўргазмаси бу тадбирларнинг дебочаси, дейиш мумкин. Яқинда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошлиқ ҳукумат делегацияси бу мамлакатда бўлиб, унинг раҳбарлари билан яхши дўстлик алоқаларини ўрнатиш ҳақида фойдали музокаралар олиб борди. Бундан буён икки республика ўртасида алоқалар янада кенг тараққий этади.

Ҳиндистон савдо ярмаркасининг директори К. Н. Модовал мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди:

— Ўзбекистон жумҳурияти бундай хайрли тадбирни ўтказиш учун қулай шароит яратиб берди. Бу ерда ҳинд халқининг ҳозирги даврда эришган ютуқларини акс эттирувчи жуда кўп саноат ва ҳунармандчилик буюмлари намойишга қўйилган. Мен бу кўргазмага Ўзбекистоннинг қизиқувчи барча мутахассисларининг келишларини бажонидил истайман.

Ижозатингиз билан таклифномамни ҳинд тилида ёзиб берсам: **«Ҳурматли Ўзбекистонликлар, Сизларни бу кўргазмада сабрсизлик билан кутамиз ва хуш келибсиз!**

आदरणीय व्यापार मेले
में आपका स्वागत है.
के-पी. मुडावल

А. ПЎЛАТОВ.

ИҚТИСОДИЁТНИ СИЛЖИТИШ ОМИЛИ

ЁКИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАРНИНГ ИЛК САМАРАЛАРИ

Бир танишим пайчилардан нолиб қолди:

— Бир дона қўй терисини сув текинга ҳам олишмайди. Бу нима деган гап?..

Аслида айб пайчидами? Йўқ. Шу пайтгача ҳам, ҳозир ҳам шундай механизм мавжуд. Ҳалигача вилоятларда ҳайвон ва қорамоллар терисини қайта ишлайдиган корхона умуман йўқ. Шу боис, минг афсуски, мол эгаси терини қайта ошлаш ташвишидан эринди, ахлатга ташлайди. Пайчи ҳам бундай арзон теріларни ҳадеганда қабул қилавермайди. Бироқ, ана шу терилар хорижда қандай нархда сотилиши энди кўпчиликка аён. Бир сўм, икки сўм эмас, ундан ишлаб чиқариладиган буюмлар ҳатто неча юз валюта туришини ишбилармонлар амалда кўрсатишмоқда. Демак, гап ишбилармонликда, тадбиркорликда экан. Ишбилармонлар бор жойда иш юришиб кетади, иқтисод яхшиланади. Мана энди терилар сув текинга кетмайдиган бўляпди. Чет эл фирмалари билан терини қайта ишлаб, ундан маҳсулот тайёрлайдиган қўшма корхоналар қурилади. Бу ажойиб иш, албатта.

Очиғини айтганда, чет эл фирмалари ва корхоналари билан иқтисодий алоқалар ўрнатилаётганлиги тангликни бартараф этишнинг муҳим шарти эканлиги энди яққол кўзга ташланмоқда. Зеро, худди уддабуронлик ва тадбиркорлик айни кунда ҳам капиталистик мамлакатларнинг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатмаяптими? Кўрсатяпти, албатта. Бунинг ишбилармонлар Тошкент учрашувининг хоржлик қатнашчилари ҳам алоҳида таъкидлашганди.

Қашқадарё вилоятида ҳам чет эл билан ташқи иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, илғор усул ва технологияларни ўрганиб, амалда жорий этиш йўли билан иқтисодиётни кўтариш учун бу йил дастлабки 10 киши Америка Қўшма Штатларида қисқа муддатли курсларда ўқиб келди. Яна кўплаб тадбиркорлар мамлакат ичкарисидаги ўқув юртларида махсус тайёргарликдан ўтдилар. Шаҳар ва район ижроия комитетларининг чет эл билан ҳамкорликда қўшма корхона барпо этиш юзасидан тегишли шартномалар тузиш, халқаро бозорга чиқиш ҳуқуқлари кенгайтирилди. Натижада талай ибратли ишлар дастлабки самарасини бермоқда.

Хамир учидан патир сифатида Нишон ва Шаҳрисабз районларида ғиштсозлик заводлари барпо этилди. Франция ускуналари билан жиҳозланган корхона йилига 5 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга. Қарши шаҳрининг Пахтазор микрорайонида Германияда тайёрланган ускуналар асосида вужудга келган «Иссиқ нон» корхонаси чиройли оби нонлари билан харидорлар эътиборини қозонмоқда.

Ғузорлик П. Холмуродов ташаббуси билан ташкил қилинган трикотаж буюмлар фабрикасида Японияда ишлаб чиқарилган 200 та тўқув ва тикув машинаси ўрнатилди. Айни пайтда корхона харидоргир маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Вилоят маҳаллий саноат ва маиший хизмат кўрсатиш бошқармаларининг буюртмалари асосида жойларда фабрикалар очилиб, Америка Қўшма Штатлари фирмаларида тайёрланган тикув машиналари ўрнатилмоқда.

Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли жамоа хўжалигида пишлоқ заводи барпо этилаётир. Унинг ташаббускори жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, тадбиркор раҳбар Қ. Ҳақбердиевдир. Пишлоқ заводи ускуналари Австралияда тайёрланган. Бу корхона жамоа хўжалиги хом ашёси ҳисобига ишлаб, эл дастурхонига сифатли сут маҳсулотлари тайёрлаб беради.

Чет эл фирмалари билан алоқа боғланиб, кўплаб тиббиёт асбоб-ускуналари ҳам олинди. Жумладан, Ғузор, Бешкент, Шаҳрисабз, Қамаши, Косон, Чироқчи район марказий шифохоналари ва вилоят 2-шифохонасига Япония фирмаларида тайёрланган ноёб даволаш ускуналари келтирилди. Улар бугунги кунда эл саломатлигига хизмат қилдирилмоқда.

— Ишбилармонларнинг Тошкент учрашувидан сўнг чет давлатларнинг кўпгина фирмалари билан қўшма корхоналар қуриш юзасидан иқтисодий алоқалар ўрнатилиб, шартномалар тузиляпти, — дейди Қашқадарё вилоят ижроия комитети ҳузуридаги «Каршиинторг» ассоциацияси бош директорининг биринчи ўринбосари Ойбек Эгамов. — Афғонистоннинг «Хаш-Трейдинг» фирмаси билан терини қайта ишлаб, пойабзал ишлаб чиқариш, Бельгиянинг «Белъо», Англиянинг «Инд-Ай Европен Лимитед», Сингапурнинг «Кэс», Гонконг, Хитойнинг «Хулен» фирмалари билан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, айниқса, пахтани қайта ишлаб, турли кийимкечаклар тайёрлаш, АҚШнинг «Пепси-кола», Болгариянинг «Хранинвест», Германиянинг «Текстимо» фирмалари билан алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарадиган, пахта толаси ва терини қайта ишлаб маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган қўшма корхоналар қуриш бўйича алоҳида келишиб олинди.

Халқимизда қадим-қадимдан «Сиздан угина, биздан бугина», деган ҳикматли гап бор. Биз ҳам хориждаги ҳамкасбларга ўзимизда бор имконият даражасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан етказиб беришимиз керак. Афсуски, бу борада қўлимиз калталик қиляпти. Вилоятимизда давлат буюртмасидан зиёд 40 минг тонна тола бор. Лекин бунинг ҳисобига марказ рухсат бермаяпти. Ахир қачонгача марказнинг қош-қовоғига қараб иш тутиш мумкин? Агар ҳозир тайёрланаётган Иттифоқ иқтисодий шартномаси турмушимиздаги иқтисодий жиҳатларни мукаммал ифодалаган тарзда имзоланса, ишбилармонлик борасидаги ишимиз ҳам янада ривожланар, янги босқичга кўтариларди. Ҳар бир жамоамиз жаҳон бозорига бевосита чиқиш ҳуқуқини қўлга киритарди. Бу эса иқтисодий тангликни бартараф этишга, халқ турмушини яхшилашга кўмаклашган бўлур эди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АҲОЛИ ТАШВИШИДА

Денов шаҳрида қушхона қурилиши бошланди. Ў ҳар куни 50 тонна гўшт ва колбаса маҳсулотларини савдога чиқариш қувватига эга. Шу вақтгача Денов ва вилоятнинг қолган бешта шимолий районини Термиз гўшт комбинати маҳсулоти билан таъминланарди. Лекин унинг қуввати чекланганлиги сабабли аҳолини бундай маҳсулотлар билан таъминлашда узилишлар бўлиб турарди.

Бундан ташқари ёқилғи қийинчилиги ҳам маҳаллий маъмурларнинг қушхона қуриш ҳақида қарор қабул қилишга сабаб бўлди. Маҳсулотни шу ерининг ўзида тайёрлаш мумкин бўлган бир пайтда транспортни юз эллик километрга ҳайдаш иқтисодий жиҳатидан фойдали эмас эди-да!

(ЎзТАГ мухбири).

ҚИШЛОВГА ҲОЗИРЛИК

Охунбобоев районидаги «Намуна» жамоа хўжалигида новвослар тез семирмоқда. Сигирлардан эса мўл сут олинмоқда. Йил охиригача ҳар сигирдан 3100 килограмм сут соғиб олиш мўлжалланаётир.

Жамоа хўжалиги ем-хашак етиштирувчилари ферма ишида ана шундай барқарорликни таъминламоқдалар. Улар бедани беш марта ўриб олдилар ва табиий ўтларни ўриб ғамлашни давом эттирмоқдалар. Кўк ўтнинг бир қисми шу заҳоти озуқа цехига юборилади. Бу ерда ундан сигирларга тўйимли озуқа тайёрланади. Операторлар ем тайёрлашда илмий жиҳатдан асосланган тавсияларга риоя этишга алоҳида эътибор беришмоқда.

Хўжаликда қишловга қизғин тайёргарлик кўриляпти, молхоналар ремонт қилинмоқда, механиклар молларга озуқа тарқатадиган ва биноларни тозалайдиган техникани созлашяпти. Жамоат хўжаликлари қурилишлари бу ерда яшовчиларнинг шахсий фермаларини ҳам эътибордан четда қолдиришмаяпти, чунки улар ҳам чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга баракали ҳисса қўшишмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

• Навоийшунослик саҳифаларидан

МЕҲРИБОН ИНСОН, ФАЙЛАСУФ ШОИР

1905, 1917 йил рус буржуазия демократик инқилобидан сўнг, айниқса, йигирманчи йилларда Туркистонда миллий уйғониш, демократия ва эркинлик шабадалари таъсирида ўтмишдаги Форобий, Яссавий, Ибн Сино каби буюк фикр эгалари сингари, улуғ ўзбек шоири Навоийни ўрганиш, асарларини нашр этиш, тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳам кучая бошлади. Бу ишга айниқса, Фитрат, Чўлпон, Шокиржон Раҳимий, Элбек, Боту каби шоирлар катта аҳамият бердилар. Навоий кечалари ўтказила бошлади. Матбуотда унинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, юбилейларини ўтказиш, асарларини нашр қилиш, номини абадийлаштириш ҳақида қатор мақолалар, унинг сиймосини улуғловчи шеърлар пайдо бўлди.

20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошларига келиб, РАПП ва ЎзАПП таъсирлари билан умуман ўтмиш классик адабиётига, Навоийга бўлган қизиқиш кескин танқид қилиниб, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби шоир ва адибларнинг Навоийни тарғиб ва ташвиқлари, ўрганишлари қораланди. Лекин бу ҳаракат узоқ давом этмай, 30-йиллар ўрталарида яна Навоийни ўрганиш тарғиботи бошланди. Бунда профессор Абдураҳмон Саъдий, Ашурали Зоҳирий, Сотти Ҳусайн, Олим Шарафиддинов, Иззат Султон, Юнус Латиф ва бошқалар фаол иштирок этдилар. Навоий меросининг янги ўзбек адабиёти ва бошқа қардош туркий халқлар илғор шоир, ёзувчилари ижодий камолотида ўйнайдиган муҳим роли ҳақида фикр юритдилар. Унинг туғилган кунига 500 йил тўлиши олдидан қизғин ишлар бошланган эди.

Қуйида Навоий таваллудининг 550 йиллиги олдидан 20—30-йиллар матбуотида эълон қилинган мақолалардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ашурали ЗОҲИРИЙ

МИР АЛИШЕР

ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Чиғатой шоирларининг отаси ва чиғатой адабиётининг устоди бўлган амир Алишер Навоий, ҳижрат йилининг 844-нчи йилида (милодий билан 1440-нчи йилда) Ҳирот шаҳрида туғилди. Алишернинг отаси. ўша вақтнинг подшоҳи бўлган Султон Абдусаиднинг вазири эди. Замонининг эслик одамларидан бўлган у киши, ўғлининг тарбиясига яхши кўнгил қўйди. Боланинг ўзида ҳам ҳаракат ва қобилият бўлганлигидан, у ўз замонига кўра тугал тарбия олиб, кўп билим ўрганди.

Алишер мактабда ўқиган вақтида машҳур Султон Ҳусайний Бойқаро билан шерик эди. Шунда, икковидан қайси бириси бирор давлатга эришса, шеригини ҳам унутмайтурган бўлиб аҳд-паймон қилишган эдилар.

Алишер қанча вақт Ҳуросонда, ундан кейин бир мунча вақт Самарқандда ўқиб юрди. Шу орада алла қанча вақт ўтиб кетиб, 875-нчи йилда Султон Ҳусайн Бойқаро — Ҳиротга подшоҳ бўлган эди. Султон Ҳусайн мактабдаги ваъдасини эсидан чиқармаган эди: шунинг учун подшоҳ бўлгандан кейин биринчи иши — Алишерни излатмак бўлди. Алишернинг Самарқандда эканлигидан хабардор бўлиши биланоқ — дарҳол, Мовароуннаҳр подшоҳи бўлган Султон Аҳмад Мирзога нома юбориб, Алишернинг ҳурмат билан узотилмоғини сўради. У вақтда, Алишернинг чўнтагида икки чақаси ҳам йўқ эди. Шунинг учун Аҳмад Мирзонинг харажати билан Ҳиротга узатилди. Ҳиротда, Султон Ҳусайн томонидан катта ҳурматлар билан қарши олиниб, дарров «муҳрдорлик» вазифасига, ундан бир мунча вақт ўтгандан кейин вазирликка тайин қилинди. Ўша вақтларда Алишер 28 ёшларда эди.

Алишер бўш вақтларини ўқиш ва ёзиш билан ўтказар эди. Мажлисига ҳамма вақт олимлар, адиблар ва шоирлар тўпланар эдилар. Ўшандай одамларни; ҳам ҳунар ва санъат аҳилларини ҳамма вақт йўқлаб, уларнинг эҳтиёжларига қарашиб, пул, мол ёрдам қилиб турар эди. Шу юзадан замонидаги маориф ва санъатларнинг юксалишига Алишернинг хизмати кўп теккан.

Бирмунча вақт ўтгандан кейин сиёсатга аралашишнинг баҳридан ўтиб, ҳукумат хизматини ташлади. Шундоқ бўлса ҳам, илм ва фаал эгаларини севган Султон Ҳусайн Алишерни тақир ёнидан жилдирмади. Охирда яна, Астробод шаҳрига валий қилиб тайинлади. Алишер у жойда ҳам узоқ турмади, истеъфо бериб, яна тағин Ҳирот шаҳрига қайтди. Дунё ишларидан буткул қўл тортиб, бир бурчакка чекилди, ўшанда ҳам Султон Ҳусайн уни ҳурмат қилишдан тўхтамай, ҳамма вақт ҳолидан хабар олиб турди ва ўғилларини Алишернинг мажлисларига юбориб, ундан фойдалантирди.

Алишер ўзи турк уруғларидан бирига мансуб бўлгани ҳолда, форс тилида шеър айтгувчиларнинг ҳам энг мўътабарларидан саналадир. Унинг форс тилида ёзган шеърлари ўзининг «Соқийнома» отлиқ девонида тўпланган. Форсча ёзган нарсаларида «Фоний» деб тахаллус қўяр эди.

Чиғатой, умуман турк адабиётини бу киши юзага чиқарди, — десак ортдириб гапирган бўлмаймиз. Ундан илгари турк тили билан бир мунча кенг ва адабий қилиб ёзғувчи бўлмагани ҳозирга қадар топилган асарлардан англашиладир. Чиғатой шоир ва адиблари орасида энг кўп асар ёзган киши яна Алишердир. У ҳам тизма ва ҳам сочма йўли билан асарлар ёзган.

Унинг қирққа яқин асари бор. Уларнинг машҳурроқларини бу ерда кўрсатиб ўтамиз:

Эронийларнинг турк тилини масхара қилиб, уни камситганларига аччиғи келиб, «Муҳокаматул луғатайн» (икки тилни муҳокама) деган бир нарса ёзган. Алишер у асарида форс ҳам чиғотой тилларини фасоҳат ва балоғат ёғидан солиштириб кўриб, турк тилининг форс тилидан кўп тўғрида — анча бой ва юқори эканлигини исбот қиладир.

Унинг беш достони — «Хамса» машҳурдир. «Хамса»да мана бу достонлар тизма йўли билан ёзилганлар: 1. «Мажнун ва Лайло» (машҳур ошиқ ва маъшуқлар). 2. «Фарҳод ва Ширин» (булар ҳам шундай). 3. «Садди Искандар» (Искандар тўсуғи). 4. Сабъаи сайёра» (етти юлдуз). 5. «Ҳайратул аброр».

Ўзининг ўзлик туйғулари (лирикаси) тўрт девонга тўпланган. Ў тўрт девон, одамзоднинг тириклигида ўтатурган тўрт даврга бағишлангандир. Чунончи, болаликка, ёшликка, ўрта ёшга ҳам қариликка. Уларнинг исмлари мана булар: 1. «Ғаройибус сиғар» (ёшлик ҳангомалари). 2. «Наводуруш шабоб» (йигитлик тансиқлиги). 3. «Бадойнул васат» (ўрта ёш бадиъалари). 4. «Фавоидул кибар» (улғайгандаги қоидалар).

Бошқа асарларининг исмлари мана булардир: «Маҳбубул қулуб» (кўнгилларнинг севгани). «Мажолисун нафойис» (гўзаллик мажлислари).

Алишер бу асарида ўз асридаги ҳам ўзидан бурунги шоирларнинг «таржимаи ҳол»ларини ёзадир...

«Мезонул авзон» (вазнлар ўлчови) аруз илми — шеър вазнлари тўғрисида. «Китоби тарих» (тарих китоби), бу асар икки қисмга бўлинадир: бири — набийлар (пайғамбарлар) тарихи («Таворих анбиё»), яна бир қисми — Эрон шоҳларининг тарихи («Таворих мулук»)-дир. «Рисолаий муаммо» (топишмоқ китобчаси) исмларга оид топишмоқлар. «Китоби вақфиёт» (вақфлар китоби). Бу асарда Алишер ўзининг Ҳирот шаҳрига солдирган мадрасаси, унинг вақфлари ва тартиб интизомлари тўғрисида ёзадир. «Чиҳл ҳадис» (қирқ ҳадис). Бунда қирқта ҳадис тизма йўли билан таржима қилинган. «Муножотнома» (диний шеърлар ва муножотлар мажмуъаси). «Арузи туркий» (туркча шеърларнинг ўлчови тўғрисида). «Китоби муншаот» (иншолар китоби) хат ва алоқа ёзмоқни ўргататурган китоб ва ҳоказолар.

Алишер охир умрини халқдан четда (узлатда) ўтказиб ҳижрат йилининг 960-нчи йилида (мелодий билан 1500-нчи йилда) олтмиш ёшида дунёдан ўтди.

У ўзининг тириклиги тўғрисида «Маҳбубул қулуб» деган китобининг бошида мана шундай дейдир:

...Гаҳи топтим фалакдан нотавонлик,
Басе кўрдум замондан комронлик.
Басе иссиқ-совуқ кўрдим замонда,
Басе оччиқ-чучук тоттим жаҳонда...

«Адабиёт парчалари».
(Т. 1925) номли мажмуъадан.

1. 20-йиллар бошида Навоийнинг вафот этган йили аниқ эмас эди. (Ш. Т).

ЧЎЛПОН

БЕШ ЮЗ ЙИЛ

(ЎЗБЕК БИЛИМ ҲАЙЪАТИ ЭЪТИБОРИГА)

Чиғатой адабиёти ва тилига Навоийнинг қилган хизмати жуда улуғдир. Бу кунги янги ўзбек адабиёти ва унинг бу кунги содда шеваси, менимча, ўша чиғатой шевасидан ўзга эмасдир. Баъзи бир кишилар, Навоийдан анча кейин чиққан адиб ва шоирларимиздан бир-иккита соддароқ ёзғонларини ушлаб олиб, уларни ҳаддан ташқари кўтармак билан наригини бир қадар туманлашдирмоқчи бўлсалар ҳам, Навоий ўзбек тили ва адабиётида тегишлик юксак мавқени олғондир. Усмонли адабиётининг энг улуғ вакили бўлгон Фузулийни машҳур усмонли ёзғувчиси Шамсиддин Сомибек Навоийдан кейинга қўйиб кўрсатадир. Мана бу ҳам Навоийни биргина ўзбек қавми адабиётида эмас, умум турк халқи адабиётида ҳам ўзига яраша жой олганини кўрсатадир.

Тарихларнинг кўрсатишига қараганда шу бир йил, бир ярим йил орасида улуғ Навоийнинг вафотига 500 йил тўладир. 500 йил ўзбек-чиғатой адабиёти тарихига аллақанча нарсалар берган, унда қанча ўзгаришлар ясаган, жуда узун бир муддатдир. Ўз адибларига 5—6 асрлик бир тарих яшата билган халқлар унча кўп эмасдур. Демак, бизга ҳам шу бир йил орасида шундай катта бир шодлик, катта бир байрам ўтказишга тўғри келадир.

Ватандошларимиз руслар Пушкиннинг ҳар 5 йили учун ҳам катта байрамлар ясайдурлар. Ғарбда эса бундай байрамлар жуда катта тантаналар билан ўтказиладир. Бу тўғрида гапни чўзиб ўлтириш ҳожат эмас. Кўз билан кўрганимиз ҳам етиб ортарлиқдир. Шунинг учун мен айтмак истайманким, Навоийнинг 500 йиллигини биз ҳам тегишлик даражада тантана билан ўтказишга шу топдан ҳозирлана бошлайлик. Бу йўлда мен қуйидаги чораларни таклиф қилиб, ўзбек билим ҳайъатининг диққатини шунга жалб қилур эдим:

1. Ҳозирдан бошлаб, яралиқ кишиларимиздан бир ҳайъат ташкил қилиб, 500 йиллик байрамни мумкин қадар тантана билан ўтказиш йўлини топмоқға ўшал ҳайъат вакил айлансун.

2. Ҳайъат Навоийнинг босилмаган асарларини топиб, босдиришга лозим кўрганларини байрамгача босдириш чорасини кўрсин.

3. Навоийнинг мукаммал таржимаи ҳоли ёздирилсин.

4. Навоийнинг шеваларидан терма бир асар тузилиб, нафис қилиниб босдирилсин.

5. Навоий номиға юқори ўқиш юртларининг тил-адабиёт факультетларида ўзбек талабалари учун стипендиялар очилсин.

6. Ўзбекистоннинг пойтахтида Навоийга ҳайкал ўрнатилсин.

7. Баъзи бир ўзбек шаҳарларининг кўча исмлари Навоий отиға қўйилсин.

«Туркистон» газетаси, 1923 йил, 23 сентябрь.

Абдураҳмон САЪДИЙ

АДАБИЁТ АБАДИЯТИ

Ўзбек халқининг буюк шоири Мир Алишер Навоий ўзининг бутун маданий ва адабий фаолияти билан шахсларнинг ҳар томонлама ва энг мураккаб бўлганларидан бири.

Навоий ҳам буюк шоир, ҳам адабиёт олими ва танқидчи, ҳам философ, ҳам ниҳоят, у ҳақиқий маъноси билан меценат — фан ва адабиёт ҳомийси.

...Навоийнинг ижодиёти ва маҳсулдор қобилияти ўзининг ижод доирасини яна ҳам кенгайтирди. Буюк бадиий ижодчиликдан ташқари у адабий-танқидий ижодчиликдан ҳам тарихий зўр ишлар бажарди. У ўзининг «Муҳокаматул луғатайн» («Икки тил тўғрисида муҳокама»), «Мажолисун нафоис» («Бадиий суҳбатлар»), «Мезонул авзон» («Вазнлар ўлчови») номларидаги адабий-танқидий ва илмий асарларни ҳам яратди. Мана бу асарлари бизга Навоийни айни замонда адабиёт билими бобида ҳам ижодчи зўр олим ва олдинги адабий танқидчи бўлганини очиқ кўрсатадилар. Бу танқидий асарлари билан Навоий ўз замонидаги ва ундан кейинги даврлардаги ўзбек адабий ҳаракатида шоирлиги даражасидаёқ зўр иш кўрсатди, зўр таъсир ясади. Иккинчи томондан, бу асарлари билан у феодализм даври ўзбек адабиёти тарихи учун биага энг биринчи қўл тарихий манбаларни, оригинал энг қимматли хазиналарни берди. Лекин Навоийнинг бу хизматлари унинг адабиёт олими ва танқидчи сифатидаги ижодлари равишда шу кунгача таҳлил қилинган ва шу нуқтаи назардан баҳоланган эмаслар. Навоийнинг ўзи кўрсатганича ҳижрий билан 896 йилда (бизнинг ҳозирги йил ҳисобимиз бўйича 1491 йилда) ёзилган «Мажлиси» (XV аср ўзбек адабиёти тарихидан, адабий-танқидий очерклардан иборат...

Навоийнинг бу асари темурийлар давридаги шоир ва санъаткорларни (музикашунос ва рассомларни) ва умуман шу асрдаги адабий ҳаракат жараёнини ўрганиш учун воқеий ҳам тарихий бой материалларга эга. Бунда Навоийнинг ўзининг ижтимоий ва шахсий ҳаётини ўрганиш ҳамда очиш учун ҳам кўп материаллар бор.

Навоий ҳижрий билан 905 йилда (1499 йилда) ёзилиб тамом бўлган «Муҳокама» номидаги танқидий асарда ўзбек тилини форс тили билан чоғиштириб, ҳар икки тилдан келтирилган кўп мисоллар орқали ўзбек адабий-бадиий тилининг луғат, ифода кенглигини очиб беради. Ўзининг тўғридан-тўғри мустақил, чуқур текшириш натижаси бўлгон бу илмий ва танқидий асарида Навоий ўзини чуқур маълумотли бир адабиёт олими, ҳам жиддий, ўткир ва ботир бир танқидчи эканини яна ҳам очиқ кўрсатади. Лекин «Мажолис»да умуман солмоқ ва тинчроқ кайфият билан танқид қилувчи қалам, бунда анча ҳаяжонга келади. Бу асари билан, у бир томондан ўзбек тилининг поэтик ва стилистик хусусиятларини очса, иккинчи томондан, бу тилнинг бадиий ифода имкониятларини ва салоҳиятини танимовчиларга қарши курашади.

Асарда очиқ англашилиб туришига кўра, темурийлар ҳокимияти давридаги адабий ҳаракат ичида тил масаласида жиддий курашлар борган. Форси тили ва адабиётининг бойлигини, ишланган бўлишини сабаб қилиб, ўзбек тилига ва бу тилда адабиёт майдонга келтириш ҳаракатига қарши кучли оқим бўлган (форслардан ҳам, ўзбеклардан ҳам). Навоий бу асарида ана шу оқимга қарши курашади, шу оқимни рад қилади. Унинг бу асарида «Мажолис»даги тинчликдан, сабрли танқидчилигидан бирмунча четга тойилиб, ҳаяжонга келишининг сабаби ҳам шунинг билан изоҳ қилинади. Лекин шундай бўлса ҳам ўзининг тутруқли танқидчилигини қаттиқ сақлаб боради. Форс тили ва шоирларига қарши ҳаракат бир томонда турсун, балки уларни жуда эҳтиром ва ҳурмат ила ҳимоя қилади. Бунда Навоийнинг кескин танқидидан мақсади фақат ўзбек тилини ва адабиётини форс тили ва адабиёти даражасида давлат масштабида тўла ҳуқуқ ва қудратга эга этишидан иборат. Шунинг билан бирга ва шунинг орқасида ўзбек халқини ўз даврининг юқори маданий савиясига кўтаришдан иборат. Форс тилида тасвирланган классик темаларда поэма ёзишидан мақсади ҳам шудир.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журнали,
1938 йил, № 11—12.

● Суратда устоз навоийшунослар ишини, анъаналарини бугунги кунда фаол давом эттираётган олимлардан бир гуруҳини кўриб турибсиз. Биринчи қаторда (чапдан ўнгга): филология фанлари доктори А. Абдуғафуров, филология фанлари номзоди С. Ғаниева, филология фанлари доктори А. Ҳайитметов, иккинчи қаторда: филология фанлари номзодлари — С. Олимов, Е. Исҳоқов.

С. МАҲКАМОВ олган сурат.

Алишер Навоий шарқ адабиётида буюк бир давр очган ва ўзининг битмас-туганмас юқори бадиий асарлари билан ўзига ҳайкал қурган буюк шоирдир.

Навоийнинг катта ижтимоий, сиёсий, бадиий қимматга эга бўлган асарлари оз доирадаги кишиларгагина маълум бўлиб келган эди. Кенг халқ оммаси ундан фойдаланиш имкониятидан маҳрум эди. Чунки хат-савод, ўқиш эксплуататор синфларга муяссар бўлиб, меҳнаткаш кўпчилик талланган, хўрланган ва нодон, илмсиз қолдирилган эди.

Алишер Навоий ўз халқининг бахт ва саодати ҳақида қайғурган, зулм ва адолатсизликка қарши ўткир қалами билан курашган буюк гуманистдир. Навоий сарой анъаналари, урф-одатларининг чегарасини буза олган, халқ манфаатини ҳимоя қилиш даражасига кўтарила билган курашчан шоирдир.

Навоий халқ учун, адолат, тенглик, эрк учун курашди. Бу эса кенг халқ оммасининг орзу-тилаклари эди. Ҳатто Навоий ҳукумат ишида экан, Шарқда жуда оз учрайдиган давлат реформа планини ишлади.

Навоий ўзининг гениал асарларида инсонпарварлик, халқлар дўстлиги, қаҳрамонлик, ватанпарварлик ва самимий севги каби умумбашарий фазилатларни куйлаб келди. Навоий прогрессив идеяларни олға сургани учун у даврнинг қора «учлари томонидан қаттиқ қаршиликка учради. Натижада Навоий билан сарой аҳли ўртасида жиддий ихтилофлар вужудга келди.

Ҳар нарсага танқидий кўз билан қаровчи Навоий саройдаги фиск-фужур ва бузуқликларни кўриб, нафратлана бошлайди. Чунки сарой аҳли халқни талаб хонавайрон қилмоқда, омманинг оҳ-зорига сабаб бўлмоқда эди. Халқнинг бу аламли фарёдини ҳаммадан илгари Навоий эшитар ва «давр бевафолари жабридан дод» ва «давр беҳаёлари бедодидан фиғону фарёд» деб қичқирар эди.

Подшо саройидаги қора гуруҳлар халқ қуйчиси Навоийни таъқиб остига олиб, Астрободга сургун қилдилар. Ҳатто ўз агентлари орқали Навоийни заҳарлашга ҳам уриндилар.

Бироқ шунча таъқиб ва сиқиқларга қарамай, Навоий ўзининг адабий ва илмий фаолиятини тўхтатмади, тинмай ижод билан машғул бўлди.

Кишиликнинг маданий ва бадиий тараққиётида катта хизматлар қилган Навоийнинг ўлими жуда фожиалидир. Юзаки қараганда, у ўз ажали билан қариб ўлгандек кўринади, ҳақиқатда феодал сарой реакциясининг сиқиғи, кулфатлари уни қаритди, жисмоний ҳалок қилди.

Алишернинг ўзи бу вақтларда:

«Шу қадар заифлашдимки, вужудимдаги суякларни санаш мумкин. Ортиқ оёқда тура олмай қолдим. Турли касалликларга дучор бўлдимки, табиблар даволашдан ожизлар.

Бу давр илаки ўлармен,
мараз чу зоҳир эмас,

Сотти ҲУСАЙН

УЛУҒ ЗОТНИНГ ЎЛИМИ

Табиблар бу балоға не чора қилғайлар.

Тилим муносабатсиз сўзлар сўзлай бошлади. Фикрим қоришди. Бутун вужудим аламлар ичида, кундуз овқат емайман, кечалари бир лаҳза ухлай олмайман, ҳассага суялмасдан оёқда туролмайман. Икки киши ёнимда туриб, ёрдам бермагунча, бироз ҳаво олиш учун отга мина олмайман», — деб ўз соғлиғидан шикоят қила бошлаган эди.

Алишер 28 декабрда касал ҳолича подшони кутиш учун йўлга чиқишга мажбур бўлади. Шунда касали ғоят оғирлашиб йиқилади.

Бу воқеани ўз кўзи билан кўрган, касални Ҳиротга олиб боришга қатнашган тарихчи олим Хондамир бу воқеани шундай тасвирлайди:

«Бу буюк одамнинг тарбиялаб етиштирган кишиси бўлганим ва ундан кўп яхшиликлар кўрганим учун, бу кутилмаган касалликдан жуда қаттиқ ташвишга тушдим. Касалнинг ҳоли жуда қўрқинчли эканини билганим учун, қон олиш ва яна бироз кечиктириладиган бўлса, Алишернинг йўқотилажагини Хўжа Абдуллога уқтирдим. Бу сўзимдан сўнг Хўжа Абдулло подшога аҳволни арз қилиш ва буйруқларини олиш учун бир одам юборди. Ҳусайн Бойқаро менинг фикрим билан ҳаракат қилишни қувватлади. Фақат подшо ёнига бориб келиш ва бир жарроҳ топиб келтириш учун қимматли вақт йўқотилган эди. Шунинг учун томирга ништар урилганда беш-олти томчи қон чиқди, холос. Бундан кейин касалнинг ҳоли яна оғирлашди. Жума куни ярим кечада касални ўз уйига олиб келинди. Эртасига шаҳарнинг энг машҳур табиблари чақирилиб, кенгаш ўтказилди. Янгидан қон олишга қарор қилинган бўлса ҳам, бироқ унинг фойдаси бўлмади, энди умид қолмаган эди».

Касал ўзига келмади, шанба куни унинг аҳволи яна оғирлашди. 1501 йил 3 январь (янги стиль билан 16 январь) якшанба куни, тонг вақтида, илм, адабиёт соҳибқирони улуғ Алишер Навоий вафот этди. Бу буюк мотамни Алишернинг жонкуяр дўсти, машҳур олим Хондамир шундай ҳаяжонли тасвирлайди:

«Қуёш эндигина уфқда ўз нурларини соча бошлаганда бу оғир қайғу хабари шаҳарга ёйилди. Бутун халқнинг фарёд ва фиғонига сабабчи бўлди. Осмонга қадар юксалган бу аламли товушлардан қайғуланган кўк юзи булутларга бурканиб, ер юзига тўфон каби кўз ёшлари ёғдира бошлади».

Улуғ шоир, олим ва санъат ҳомийси ва буюк сиёсий арбобни кўмиш маросими-катта халқ тўлқини ичида ўтди. Бу маросимга мамлакатнинг сиёсий арбоблари, шоирлари, олимлари, билимдонлари, меҳнаткашлар, қисқаси бутун халқ иштирок этди. Унинг танаси ўзи томонидан солдирилган Жомега қўйдирилди. Унинг хотираси учун халқ етти кун мотам тутди.

Алишернинг вафотига бағишланиб шоирлар томонидан бу буюк қайғуни ифодаловчи марсиялар ёзилди. Замосинимнг катта шоирларидан ҳисобланган ва Навоийнинг доимий улфати, суҳбатдошларидан бири бўлган Мавлоно Соҳиб Доро қирқ байтлик шеър билан ўз қайғусини ифодалади. Бу шеърнинг ҳар бир байтидаги биринчи йўлидан Навоийнинг туғилган йили тарихи, иккинчи йўлидан ўлган йилининг тарихи чиқади...

Ҳар миллатнинг, халқнинг ақли, фикр хазиналарининг энг яхши қимматбаҳо маданий мевалари ҳамма халқларнинг бўлди. Пушкин, Горький буюк рус халқининг ёзувчилари бўлиш билан бирга, бутун совет халқларинникидир.

Шунингдек, буюк грузин шоири Руставели, буюк ўзбек шоири Навоий ҳам ҳамма халқлар шоирига айлангуси-дир.

«ҚИЗИЛ ЮЗБЕКИСТОН», 1939 йил, 16 январь.

Юнус ЛАТИФ

«МАҲБУБУЛ ҚУЛУБ»

Кўргузуб меҳр, минг дарду балосин
кўрмадим, —

дейишга мажбур бўлган эди.

Навоий «Маҳбубул қулуб»ни жуда катта умид билан ёзади. Унинг ҳар бир сатри замон аҳлини ва келажак авлодларни тарбиялаш, чиниқтириш тилаги билан тузилган, ёзилган эди. Ҳақиқатда Навоийнинг орзулари халқ томонидан самимият билан қарши олинди. Навоийнинг энг кўп тарқалган ва ўқилган китобларидан бири ҳам «Маҳбубул қулуб» бўлди. «Маҳбубул қулуб»да Навоий халқимизнинг асл илғор ғояларини талқин қилади. Ўзбек халқи ўзининг душманлари — подшоҳлар, руҳонийлар, дин номидан олчоқлик қилувчи турли типдаги таловчиларга қарши мардларча курашиб келди. Зулм, ҳақсизлик, адолатсизликка қарши ва чирик дунёни ларзага солган жуда кўп қўзғалонлар бўлиб ўтди. Навоий бу асарида халқимизнинг интилиш, умид, орзуларини ажойиб усталик билан тасвирлайди.

Буюк Алишер ўз тажрибаларига суяниб, «бу дунё бевафо» деган қалбаки шиорга ва халқни дўзах билан қўрқитувчи, жаннат билан алдовчиларга қарши том маъноси билан атеист бўлмаса ҳам, дунёни «қутлуғ уй» деб таърифлади. Бу «қутлуғ уй» меҳнаткашларга тор, сиқиқ эди. Алишер Навоий дунёнинг ҳузур-ҳаловати барчага баробар кўрилмаслигига қарши курашди. Ҳалол меҳнат эгаларини кўкларга кўтариб мақтади. У бунда минг марта ҳақли эди. Асарнинг деҳқонларга бағишланган фасли фикримизни равшан кўрсатади.

Навоий ҳаётнинг асосий омили деб деҳқонларни олади. Подшоҳлар, вазирлар, муллалар, эшонлар, сўфилар деҳқонларнинг меҳнатидангина тўқ деб ёзади. «Зоҳидга андин ҳузури тоат ва обидга ондин лафи қаноат».

Навоий ҳалол меҳнат кишиларини тасвир қилиб қўяқолмади. Балки халқнинг ҳалол меҳнати натижасида бунёдга келган бойликларини, унумни тортиб олувчи золимларга қарши халқдаги қаҳр, ғазабни, нафратни маҳорат билан тасвирлади. «Маҳбубул қулуб»нинг кўпгина фаслларини таловчи текинхўрларга қарши қаратилган нафрат, лаънат эгаллаган. Бу бежиз эмас эди.

Шоир адолатни севар эди. Халқни адолат билан бошқариш зарурлигини сўйлар ва талаб этар эди. Лекин қаро кучлар динни пешкаш қилиб, меҳнаткаш оммани саргардон, хонавайрон қилишдангина ҳузурланганлар.

Навоий табиблар, подшоҳлар вазирлар, қиссахонлар, қозилар, фирибгарлар, домлалар ҳақида ёзар экан, уларнинг маънавий пуч ички томондан чириган эканликларини очиб ташлайди. Номуносиб нойиблар ҳақида «пайғамбарлик туҳматини ўзига солган» деб ҳақ фикрини айтади. Унинг фикрича «Одил подшо ойна бўлса, золим подшо шу ойнанинг орқасидир. Агар у тонг бўлса, буниси қоронғу кечадир».

(Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журнали, 1939 йил, № 4).

Мақолаларни тўплаб, нашрга тайёрловчи — филология фанлари номзоди Шералй ТУРДИЕВ.

АХБОРОТ

ЯНГИ КОРХОНА ИМКОНИЯТЛАРИ

Беруний районида темирбетон буюмлари тайёрлайдиган завод ишга тушди.

Завод «Бўстанводстрой» трести бўлинмалари учун қурилиш материаллари тайёрлаб берадиган яккаю-ягона саноат базаси ҳисобланади.

Корхона тўла қувват билан ишлаганда, йилига 10 минг куб метр темир-бетон плиталари, каналларни қоплайдиган 20 минг куб метр плита, 10 минг куб метр лоток ва бошқа 10 минг куб метр ҳар хил қурилиш материаллари ишлаб чиқара олади.

Заводни «Аралводстрой» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмаси бўлинмалари барпо этди. Унинг ишга туширилиши республика жанубидаги Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа, Амударё районлари аҳолисининг ижтимоий-турмуш шароитларини яхшилайди. Замонавий суғориш тармоқларини бунёд этиш, деҳқончилик қилинаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, саноат корхоналари чиқиндиларини ва коллектор-дренаж сувларини Амударёга тушмай оқизиб юбориш имконияти яратилади. Иккинчидан эса, райондаги ишсиз кишиларни иш билан таъминлашга хизмат қилади.

Р. ЕЩИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАРҒОНА вилояти. Фрунзе районидаги Данғара қишлоғида очилган «Наврўз» чойхонаси — дам олувчи кишиларнинг севимли маскани. Чойхоначи Ғанижон Халилов (суратда) ҳар куни юзлаб кишиларнинг кўнглини шод қилади.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

СПОРТ

ОЛДИНДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

● ТОШКЕНТЛИК Нигора Зуфарова билан Евгений Эндришко ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатига муносиб номзод эканини кўрсатдилар.

Улар акробатика бўйича Львовда ўтказилган СССР кубоги баҳсларида иккита машқ натижасига кўра 56,47 балл тўплаб, бронза медали соҳиби бўлишди. Моҳир акробатикачилар устозлари Моҳира Қодированинг ишончини оқлаб, СССР терма жамоаси бош тренерининг эътиборини қозондилар. Ҳар иккала спортчимиз СССР терма жамоасига таклиф қилинди. Шунингдек, Владимир Николаев, Февзи Аблаев, Альберт Тухтаров ва андижонлик Қудрат Қодировлар кучли олтиликдан жой олишди.

СОВРИН УЧУН КУРАШ

● ФУТБОЛ бўйича Европа кубокларн учун навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтди.

Кубок эгалари кубоги учун баҳсда иштирок этаётган пойтахт армиячилари «Рома» (Рим) жамоасини қабул қилиб, 1:2 ҳисобида ютқазиб қуйишди. Чемпионлар кубоги учун учрашув ҳам қизиқарли бўлди. Киев динамочилари сафарда «ХИК» футболчилари билан куч синашдилар. Бу ўйинда дарвозага киритилган ягона тўп динамочиларга муваффақият келтирди. УЕФА кубоги учун баҳслар ҳам чакки бўлмади. Пойтахт динамочилари Венгриянинг «Иззо» жамоаси майдонида ўйнаб 0:1 ҳисобида енгилишди. Москва спартакчилари эса Финляндиянинг «Миккени» футболчилари билан ўтказилган сафар учрашувида дарвозага иккита жавобсиз тўп киритишди. Пойтахт торпедочилари Олмониянинг «Галле» футболчилари майдонида дарвозага битта тўп киритиб, иккита ўтказиб юбордилар.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ПАХТАЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ, ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДЛАРИ ВА ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМ МАВСУМИДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — СИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИНГИЗДИР!

ПАХТА ЎЗБЕКИСТОН УЧУН — БЕБАҲО МАҲСУЛОТ БЎЛИБ, УНИ ОЛОВДАН АСРАБ ҚОЛИШ РЕСПУБЛИКАДАГИ ҲАР БИР МЕҲНАТКАШНИНГ БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ВАЗИФАСИ ҲИСОБЛАНАДИ. АГАР ЎТГАН ЙИЛИ ЕНҒИНЛАР НАТИЖАСИДА КЎРИЛГАН ЗАРАР 10 МИНГ СЎМДАН КЎПРОҚ МИҚДОРНИ ТАШКИЛ ЭТГАН БЎЛСА, БУ ЙИЛ БУ КЎРСАТКИЧ АНЧА КЎПАЙДИ.

1991 йилнинг ўтган даврида республикада 450 минг сўмдан кўпроқ зиён етказган 66 та ёнғин ҳодисаси рўй берди.

ЙИРИК ЕНҒИНЛАР:

1991 йил 18 майда Қорақалпоғистондаги 1-Беруний пахтачилик заводида содир бўлган ёнғин оқибатида 100 минг сўмликдан ортиқ пахта толаси нобуд бўлди.

1991 йилнинг 1 августида Сурхондарё вилояти Жарқўрғон районидаги «Сурхон» пахтачилик заводида чиққан ёнғин 300 минг сўмлик 670 тоннадан ортиқ пахта толасининг нобуд бўлишига олиб келди.

Янги ҳосилни йиғиб олиш, уни транспортда ташиш, қайта ишлаш ва сақлаш пайтида ёнғин хавфи одатдагидан анча ортади.

«ОҚ ОЛТИН»НИ ОЛОВДАН САҚЛАБ ҚОЛИШ УЧУН:

барча куч ва маблағни пахта хом ашёси йиғиб-теришдиган, сақланадиган ва қайта ишланадиган жойларда ёнғин ва ўт чиқишининг олдини олишга сафарбар этиш лозим;

пахта териш техникаси ва хом ашё ташиладиган машина учқун сўндирувчилар, ўт ўчиргичлар, сувли флягалар ва белкураклар билан таъминланган бўлиши лозим. Қувват олиш ва ўт олдириш системалари соз ҳолда туриши шарт.

Транспортда ташиш пайтида пахта хом ашёсининг устини брезент билан ёпиб қўйиш керак. Пахтачилик заводлари ва тайёрлов пунктларидаги кичик механизация воситалари соз ҳолда (кабелларнинг изоляцияга қаршилиги текширилган, кабель тортиш чеклагичлари ўрнатилган, БРБХ-20 даги пахта хом ашёсини юмшатиш учун мўлжалланган учликлар рангли металдан ишланган бўлиши лозим.

БУНДА ҚУЙИДАГИЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ:

пахта йиғим-терим пайтида пахта териш машиналарида, пахта хом ашёси тўпланадиган жойлардан 30 метрдан яқинроқ масофада, пахта ташийдиган автомашина ёки тракторда, теримчилар жойлашган ётоқ биноларида чекиш;

пахтакорлар жойлашган биноларнинг эшикларини михлаб ташлаш, деразаларга панжара ўрнатиш, эшиклар ёнига печкаларни ўрнатиш;

электр иситиш асбоблари ва бошқа қўлбола мосламаларни биноларни иситиш мақсадида ишлатиш, ёритиш учун қуввати 150 ваттдан ортиқ электр чироқларидан фойдаланиш;

пахта хом ашёсини қуритиш ва йиғиш жойларидан 100 метрдан яқинроқ масофада таом тайёрлаш учун гулхан ёқиш, тандир қуриш, чойхона ташкил этиш, шунингдек тракторлар, автомашиналар ва пахта териш машиналарининг тўхташ жойларини ташкил қилиш;

учқун сўндиргичи бўлган автомашина ва тракторларнинг пахтага 15 метрдан яқинроқ келиши, учқун сўндиргичи бўлмаганларининг эса 30 метрдан яқин келиши;

йўлнинг машина қатнайдиган қисмида, шунингдек, бевосита тупроқда ва қум-шағал устида пахта қуритиш (пахта хом ашёсини табиий усулда қуритиш учун жамоа ва давлат хўжаликлари махсус асфальтланган ва бетон қопланган йўлкаларни қуришлари лозим);

шаҳарликларни ётоқхона учун мослаштирилмаган бинолар, клублар мактаблар, вагончалар ва баракларга жойлаштириш (бинолар ва бошқа жойларга теримчиларни жойлаштириш учун муассасаларо комиссия томонидан рухсат берилиши лозим. Ҳамма теримчиларга ёнғинга қарши тартибга риоя қилиш тўғрисида йўл-йўриқ бериб, қўл қўйдириб олиниши зарур.

Ётоқхона атрофи ёнувчан ахлатлардан тозаланган бўлиши керак.

Биноларда камида иккита эҳтиёт чиқиш эшиги бўлиши лозим.

фақат турғун электр ёритгичларидан фойдаланишга рухсат этилади. Ертўлалар қуриш ва улардан фойдаланиш қатъий тақиқланади.

Иситиш учун турғун ғишт печкаларни ўрнатиш талаб этилади вақтинчалик металл печкалар қуриш тақиқланади. Ёниб турган печкаларни қаровсиз қолдирманг. Теримчилар яшайдиган барча биноларда кўпикли ўт ўчиргичлар, сувли бочкалар, челаклар, қум солинадиган ёғоч қутилар бўлиши шарт:

ҳар бир пахтакор ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиши ва бехосдан ташлаб юборилган гугурт чўпи ёки ёниб турган папирос қолдиғидан ёнғин чиқиб, давлатга улкан моддий зиён келтиришини ёдида тутиши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ЕНҒИНДАН САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ҚУНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР ЖАМИЯТИ.

«НАВОИЙ» ТОВАР-ФОНД БИРЖАСИ

СИЗНИНГ БОЗОРДАГИ ИШОНЧЛИ ШЕРИГИНГИЗДИР!

Ўз маблағларини ўринли сарфлаб, ишончли хизмат ҳамкорлари билан ўзаро манфаатли битимларни йўлга қўйишни хоҳловчи давлат, ижара кооператив ташкилотлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва хусусий шахслар

ДИҚҚАТИГА!

1991 йилнинг 1 августидан бошлаб Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши ижроия комитетида

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Таъсисчилар маълум қилган Низом жамғармаси 20 миллион сўмдан иборат.

Шартнома 7 таъсисчи томонидан имзоланди.

УЛАР ОРАСИДА

— Республика қурилиш-тижорат банки.
— Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси.
— Навоий электр кимё заводи.
— Моддий-техника таъминоти давлат комитетининг Навоий корхонаси.
— Навоий паррандачилик фабрикаси.
— «Диалог» кичик корхонаси.
— Қизилтепа паррандачилик фабрикаси.

«Навоий» товар-фонд биржаси товар-хом ашё руспубликалари, қурилиш материаллари, халқ истеъмол моллари ва ҳоказолар билан боғлиқ операцияларни амалга оширади.

Биржанинг фонд қисми ўз мижозларига пул ресурсларини фойда келтирадиган қилиб жойлаштириш, манфаатли шартларда кредит олиб, келгусида эса — қимматбаҳо қоғозлар билан бажариладиган операцияларни амалга оширишда ёрдам беради.

Дастлабки савдо — 1991 йилнинг 1 октябрига белгиланган.

1991 йилнинг 1 августидан 1991 йилнинг 1 декабригача акцияларга обуна очишга қарор қилинди.

БИРЖАДА СИЗ УЧУН ҲАЛИ ЎРИН БОР!

Акциянинг асл баҳоси 50 минг сўм. Уларни барча ҳуқуқий ва жисмоний шахслар сотиб олишлари мумкин. Дастлабки бадал ҳажми акция қийматининг 30 фоизини ташкил этади.

Акцияларга обуна бўлиш Сизга брокерлик (воситачилик) ўрнини олиш имкониятини беради, бу эса Сиз учун савдога таклиф этилган моллар билан бевосита танишиб чиқиш ва уларни харид қилиш демакдир.

Таъсис конференцияси 1991 йил 15 декабрда ўтказилади.

Манзилимиз: Навоий кўчаси, Ленин шоҳкўчаси, 7-уй.
Телефон: 3-88-02.
Факс: 3-35-90.

«Узводоканал» ишлаб чиқариш бирлашмаси

АБОНЕНТЛАРГА СУВҚУВУР-КАНАЛИЗАЦИЯ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ

1991—1992 йиллар қиш мавсумида фойдаланишга ТАЙЁРЛАБ ҚУЙИШНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

БУНИНГ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАРНИ БАЖАРИШ ЛОЗИМ:



Сувқувур ва канализацияни ҳар эҳтимолга қарши таъмирлаш;

вақтинча мавсумий сув тақсимлагичларни ёпиб қўйиш; очиқ ётган сув қувурлари, сув сарфини ҳисобга олувчи узеллар ва сув тақсимлагичларни иситиб қўйиш.

Қиш шароитида фойдаланишга тайёрланмаган сувқувур-канализация хўжаликлари қўшимча огоҳлантиришсиз шаҳар сув тармоғидан узиб қўйилади.

Бир йўла сув ҳақини ўз вақтида тўлаш лозимлигини эслатамиз.

ҲОВЛИ СУВҚУВУРЛАРИНИ ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРЛАШ

Ҳовли сувқувурларининг тик қувурларини қиш мавсумига иситаётганда қувурнинг ташқи сатҳи — тик қувур ва иситувчи материал оралиғида 40—60 миллиметр бўшлиқ қолиши лозим.

Майдаланган сомон, қуруқ қипиқ, қуриган ўт ва бошқа иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ўраш материали бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иситгич материалининг қалинлиги камида 30—25 сантиметр бўлиши керак.

Сув тик қувурини ўраш учун металл тўрлар, қоп, қалин қоғоз ва бошқалар қўлланилади.

Водопровод тик қувури ўралганидан сўнг у ёғоч билан ўраб чиқилади ва бўш қолган оралиққа қипиқ тўлдирилади.

Кўпинча вентилнинг сальниги ишдан чиқиб, сув иссиқликни сақловчи материалга оқиб кетади. Шунинг учун вентилнинг тагида тунука ёки шифер бўлиши, уни ёғоч қопламадан ташқарига чиқариб, бир мунча нишаблик билан ўрнатиш лозим. Ғилофнинг усти очилиб, ёпиладиган қопқоқ билан ёпилиб, вентиль маховиги учун туйнук қолдирилади.

ЙЎЛИНИ ТОПИШДИ

● Бир хат изидан

Талон-торож, кўзбўямачилик юз берган хўжаликни «дард»га чалинган, деб таърифласак, балки янглишмаган бўларамиз. Нурота районидаги «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» совхозининг шундай аянчли аҳволга тушгани бундан уч йил муқаддам маълум бўлганди. Уч йилдирки, кишилар унга «шифо қидириб» ҳали Самарқандга, ҳали Тошкентга елиб-югуриб юришибди. Хўжалик ҳисобчиси, Нурота район Советининг депутати Абдумурод Набиев билан агроном Менгли Норбадаловлар бу йўлда, айниқса, жон қойитишмоқда. Лекин дурустроқ натижа чиққани йўқ.

Совхознинг ташкил этилганига эндигина ўн олти йил бўлди. У қоракўлчилик ва деҳқончиликка ихтисослаштирилган. Шароити жуда қулай. Шунга қарамай 1988 йилгача ҳар томонлама оқсаб келди. Йилни бирор марта ҳам ишлаб чиқаришдан фойда олиш билан якунлай олмади. «Хўжалигимиз раҳбарларининг молиявий суиистеъмолларга йўл қўйиши, қўшиб ёзишнинг авж олиши, давлат мулкининг талон-торож қилиниши ҳамда шахсий садоқатига қараб одамларни масъул вазифаларга тайинлаш бунга сабаб бўлди», — деб ёзишади А. Набиев билан М. Норбадаловлар бизга йўллаган хатларида.

Совхозда содир этилган ғайриқонуний ишлар ҳақида бош ҳисобчи ўринбосари Исматилла Эштиловов ва ҳисобчи Абдумурод Набиевлар 1988 йил апрель ойи ўрталарида Марказкомга арз қилишди. Иккинчи ариза эса хўжалик ишчи-хизматчилари Худоёр Жиянқулов, Мардибой Болиев, Тожи Очилов, Менгли Норбадалов ва Суюн Облоқуловлар томонидан ёзилиб, жумҳурият прокуратурасига юборилди.

Хат муаллифлари совхоздаги ташвишли аҳволни тўлатўкис ифодалаб берган эдилар. Шу боисдан ҳам республика Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети (ҳозирги Қишлоқ хўжалик вазирлиги) қошидаги назораттафтиш бошқармасидан бош мутахассис А. Тошқулов келиб, текширув бошлади. Тафтишчи бир неча ҳафта совхозда бўлиб, 121,6 тонна полиз маҳсулотлари ҳисобдан ширирлганини, 24 бош қўй, битта қоввос ва битта от гумдон қилинганини, ҳисобга 14 тонна сут, 16 минг 855 дона тухум қўшиб ёзилганини, 62,9 тонна бўғдой асоссиз равишда ҳисобдан чиқарилганини аниқлади. Шунингдек, 1986—1987 йиллар ҳамда 1988 йилнинг апрелигача 2994 бош қўй ҳаром ўлгани, 8007 бош қўй турли сабабларга кўра мажбуран сўйдириб юборилгани аниқланди. Тафтиш актига совхоз директори А. Улуғбердиев, бош бухгалтер А. Бўриев, собиқ бош бухгалтер Б. Жўраев, бош зоотехник Т. Фармонов ва бош агроном Х. Мийзомовлар қўл қўйишган. Улар мазкур ҳужжатда келтирилган бирорта ҳам далилга эътироз билдиришмаган. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, тафтишчи А. Тошқулов махсус йиғилиш чақиртириб, совхоз жамоасини текшириш натижаларидан бохабар этган.

Хат муаллифларининг кўнгли бироз таскин топгандек бўлди. Масала жиддий эди. Тафтишчи тегишли ҳужжатларни прокуратурага ҳавола этди. Шундан кейин 1988 йил 16 августда Нурота район прокуратураси совхоз раҳбарлари устидан жиноий иш қўзғатди. Директор А. Улуғбердиев, бош агроном Х. Мийзомов, бош зоотехник Т. Фармонов, катта ветврач Т. Абдимановлар ўз вазифасидан бўшатилди.

Тергов узоқ давом этди. Ниҳоят, 1989 йил 9 февраль куни Нурота район халқ суди жиноий ишни кўришга киришди. Суд 27 февралгача чўзилди. «Терговда камчиликларга йўл қўйилган, айбланувчиларнинг қилган иши конкретлаштирилмаган» деб жиноий иш қўшимча терговга жўнатилди.

Бир қарашда ҳамма иш рисоладагидек кетаётгандай эди. Лекин ундай бўлмади. Шундан кейин тоқатлари тоқ бўлган аризачилар яна юқори ташкилотларга ёзишга мажбур бўлдилар. Шулардан бири рўзномамиз таҳририятига келиб тушди. Хат 1989 йил 16 май куни текшириш ва чора кўриш учун Нурота район прокуратурасига юборилди. Орадан кўп ўтмай прокурор М. И. Раҳмонқуловдан расмий жавоб олинди. Унда бундай дейилганди:

«27.02.89 йилда Нурота район халқ суди томонидан жиноят иши қўшимча терговга қайтарилган. Район прокурори томонидан келтирилган протест область прокуратураси томонидан чақириб олиниб, жиноят иши қўшимча тергов қилиш учун Нурота район прокуратурасига юборилган. Район прокуратурасига қўшимча терговга қайтарилган 8904-сонли жиноят ишини 10.07.89 йилда район прокуратурасининг терговчиси И. Ёрмуҳамедов қабул қилган. Ҳозирги кунда иш юзасидан қўшимча тергов олиб борилмоқда.

Бу ҳақда аризачиларга маълум қилинди. Тергов жараёнида аризачилар кўрсатган барча важлар текширилиб, қонуний тартибда ҳал қилинади».

Барибир ҳадеганда ишнинг натижаси кўринавермади. Шикоятчилар бундан хавотирга тушиб қолдилар. Шу сабабли улар қатор юқори ташкилотларга хатлар йўллашди. Хуллас, кишилар ариза ёзишдан, ташкилотлар эса уларга жавоб қайтаришдан чарчамади. Совхозда тафтиш ўтказтирган Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети ҳам сукут сақлаб қараб турганн йўқ. Нурота район прокуратурасидан жавоб талаб этилди. Прокурор М. И. Раҳмонқулов қуйидаги расмий жавобни (12.01.90 й) қайтарди:

«8904-сонли шикоят иши юзасидан.

ЎзССР ЖКнинг 118-модда 2-қисми, 155-моддаси билан айбланган «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» совхози раҳбар ходимлари А. Улуғбердиев, Т. Абдиманов, Х. Мийзомов жиноят иши Нурота район халқ суди томонидан 1989 йил 27 февралда қўшимча терговга қайтарилган.

Қўшимча терговда Х. Мийзомов қисми ЎзССР ЖПКнинг 175-модда 2-бандига асосан ҳаракатдан ётқизилган, А. Улуғбердиев, Т. Абдиманов қисми эса 1989 йил 7 августда ЎзССР ЖКнинг 49-моддасига кўра меҳнат коллективининг киритган илтимосномаси инобатга олиниб, улар кафилликка берилиб, жиноий жавобгарликдан озод қилинганлар».

Нурота район прокурорининг ёрдамчиси Н. Сафаров эса бизга қуйидагиларни ёзма ҳолда маълум қилди:

«6.06.90 йилда терговчи Ўралов томонидан ушбу жиноят иши ЎзССР ЖПКнинг 5-модда 7-банди билан ва 175-модда 2-бандига кўра ижтимоий хавфини йўқотганлиги ва Мийзомовга нисбатан бўлган қисми унинг айбини исботлаш учун қўшимча далиллар тўплаш имконияти бўлмаганлиги сабабли жиноят иши ҳаракатдан ётқизилди.

Шундан буён ушбу қарор бекор қилинган ва ўзгартирилган эмас».

Қойил! Баракалла! Қилни қирқ ёрувчи қонуншунос ўртоқлар 8904-сонли жиноий ишни осонгина ҳаракатдан тўхтатиш йўлини топдилар. Хўш, тафтиш пайтида аниқланган ҳамда совхоз раҳбарлари бажонидил уни тасдиқлаган далиллар қаёққа кетди?

Биз Нуротада бўлиб, қатор масъул ўртоқлар билан шу ҳақда суҳбатлашдик. Афсуски, бирор киши ҳам аниқ фикр айта олмади.

«Биз совхоз меҳнаткашларининг хоҳиш-истаги билан иш қилиб, уч йил югуриб, бирон-бир натижа чиқара олмадик, — дейилади таҳririятимизга А. Набиев ва М. Норбадаловлар ёзган хатда. Сизлардан илтимос, «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» совхозида бўлган ушбу жумбоқли ишни текшириб кўриб, шу хўжалик ҳудудида яшовчи 20 минг аҳолига асл ҳақиқатни очиб бериб, бизни маънавий азиятдан қутқаринг».

Қўлимизда ушбу ҳангомага тегишли биз тўплаган дастадаста ҳужжатлар бор. Улардан бирортасида ҳам ҳақиқатни қидириб юқори ташкилотларга хатлар ёзган кишиларнинг ҳеч қайси даъвоси рад этилмаган. Шунга ва текширишларимизга асосланиб, қўлимиздаги 26 саҳифадан иборат шикоят ариза ҳам ўз исботини топди, деб ҳисоблаймиз. Ҳақиқат эртами-кечми ғалаба қозонади.

У. ЮСУПОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Ўзбекистон Республика Фанлар академияси «БИОЛОГ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг

УСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИЛМГОҲИ

«Пахта толаси ривожланишининг биологияси» лабораториясининг кичик илмий ходими

бўш лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700143, Тошкент шаҳри, ГСП, Ф. Хўжаев, кўчаси, 28-уй. «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.

ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

тарих, культурология ва тиббиёт тарихи кафедрасининг мудири (фан докторлари ёки номзодлари);

овқатланиш гигиенаси кафедрасининг доценти.

ТАНЛОВ МУДДАТИ — **8 октябргача.**

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700109, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 2-уй. Телефон: 46-88-86.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12 Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5984.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 22.00.

№ 185.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12